*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч – адолатда

2024 йил
13 сентябрь,
жума
№ 42
(1024)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь куни Туркия Республикасининг ташқи ишлар вазири Ҳакан Фидан, ички ишлар вазири Али Ерликая ва Миллий разведка хизмати директори Иброҳим Қалиндан иборат делегацияни қабул қилди.***

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмонлар давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоғаннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказдилар.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 6-7 июнь кунлари Туркияга қилинган расмий ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон – Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бугун икки давлат вазирлари ва идоралари раҳбарлари ўтказган қўшма учрашувнинг самарали натижалари юқори баҳоланди. Қабул қилинган "йўл харитаси"га мувофиқ мунтазам ва тизимли алоқаларни давом эттириш, бундай музокаралар формати ва кун тартибини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама этилди. Хавфсизликка замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ва қўшма тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги шерикликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, хусусан, Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида ўзининг азму шижоати ва маҳорати, мустаҳкам ирода ва жасоратини намоён этиб, Ватанимиз тарихида мислсиз натижаларга эришгани, терма жамоамиз сафида муваффақиятли қатнашиб, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик, сабот-матонат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«Ўзбекистон ифтихори»
фахрий унвони билан**

**Йўлдашев Толиббой Тожибой ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Қурбанова Нурхон Ғуломжон қизи** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Маъруфхўжаев Қудратиллохон Охунжон ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Мирзаёрова Асила Убайдулла қизи** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Одилов Ёрқинбек Олимбек ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Султонов Элбек Улаш ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Тоштемиров Асадбек Умар ўғли** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»
фахрий унвони билан**

**Намозов Шерзод Насимович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Омонов Бобиржон Зоиржон ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Ибрагимов Сервер Юсуфович** — Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Исақова Зиёдахон Абдуғаффор қизи** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Йигиталиева Шаҳинахон Шокиржон қизи** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Наимова Гулжоной Абдулло қизи** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Салиев Дониёр Нурулла ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Хакимова Кубаро Орифовна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Ходжаева Кумушхон Сайдулло қизи** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»
фахрий унвони билан**

**Амонов Маҳмуд Мирзоевич** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Умирзоқов Фазлиддин Абдулбоқиевич** — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Ходжамов Рахмонберди Джумабоевич** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Худайберганов Сардор Камилович** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Юсупов Иброхимжон Абдумутал ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Якубов Яхёбек Собиталиевич** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**«Фидокорона хизматлари
учун» ордени билан**

**Норбеков Хусниддин Киличбоевич** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**(Давоми 2-бетда) ▶**

*Моҳият*

***Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий шартига айлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятда одил судловга эришиш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари босқичма-босқич олиб борилмоқда.***

## Одил судловга КЎМАКЛАШИШ

### ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШДАРИДАН БИРИДИР

Бунинг натижасида фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тобора мустаҳкамланмоқда. Шунинг учун ҳам аҳолининг одил судловга эришиш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Бунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода, Президентимиз томо-



нидан “Янги Ўзбекистон – янги суд” тамойили илгари сурилиб, судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир тегишли вазифалар белгилаб берилгани айни муддаодир.

**(Давоми 3-бетда) ▶**

*Муносабат*

## ЕРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ

***Ҳар бир давлатда ер жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ер умуммиллий бойлик ҳисобланиши, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва у давлат муҳофазасида эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида ерга оид қонунчилик бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда изчил такомиллаштирилди.***

Маълумки, 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилингунига қадар ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи бериш таъқиқланган эди. Тадбиркорлар ва фуқароларга янада қулайлик яратиш, уларнинг ерга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ерга нисбатан мулк ҳуқуқи берилиши Конституциямизда кафолатланди.



**(Давоми 2-бетда) ▶**

## Қонунчиликдаги янгиликлар

### Парламент фаолияти



### Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади

**“Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида Фуқаролик ва Солиқ кодекслари, **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**-ги, **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги, **“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”**ги, **“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”**ги қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

**(Давоми 2-бетда) ▶**

*Шарҳ*

## ТАДБИРКОРЛИКНИ

### ҳар томонлама рағбатлантириш — бош мезон

***Миллий тараққиётнинг бугунги янги босқичида мамлакатимиз дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига кўтарилишига хизмат қиладиган улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Барча жабҳалар қатори иқтисодий соҳада, айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим ва салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда.***



Ҳозирги даврда юртимизда тадбиркорлик ривожига бундай юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки жаҳон халқлари ва замонавий илғор мамлакатлар иқтисодиёти натижадорлигини таъминлаш ва соҳани изчил ривожлантиришда тадбиркорликнинг ўзига хос ўрни борлиги аллақачон исботланган.

Бугун тадбиркорлик ҳаракати жамиятимизнинг ўзига хос, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам янги ижтимоий қатламига ва Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб улгурди. Эндиликда тадбиркорлик шунчаки даромад олиш билан чекланиб қоладиган фаолият тури бўлиб қолмасдан, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бошқа йўналишларни ҳам ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

**(Давоми 3-бетда) ▶**

*Қонун кўмаги*

## Ютуқ ва ҳамкорлик ГАРОВИ



### ёхуд шартномавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

***Маълумки, ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида бошқа тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиб, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Табиийки, ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўз вақтида виждонан адо этилса, бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор бўлади.***

**(Давоми 3-бетда) ▶**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Бурханова Сафия Каимовна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Кузиева Рўза Рашидовна** — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Ташходжаев Мухторхон Махсудович** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси

**Абдухоликов Сардор Абдухоликович** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Қўзиев Бобур Собирович** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Хайдаров Мавлонбек Мухторович** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Ахмедов Фаррух Хуршидович** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси бош котиби

**Амилов Равшанбек Кабилджанович** — Сузиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Дусумбетов Муратбой Шамуратович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Ефимова Наталья Алексеевна** — Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Ибрагимова Алфия Гиласдиновна** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Камуля Григорий Георгиевич** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Норматов Азизжон Муратович** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**«Жасорат» медали билан**

**Ғиязов Темурбек Махамаджон ўғли** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Кароматов Давурхон Фозил ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Қуранбаев Учқун Умирбекович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Одилова Муслима Улуғбек қизи** — Сузиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Хамдамова Мохигул Кабаёр қизи** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«Шуҳрат» медали билан**

**Казакова Галина Михайловна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Караматов Фозил Авлияевич** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Абдиев Турғун Ибраҳимович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Агзамова Лола Саидаббасовна** — Ўзбекистон дзюдо федерацияси психологи

**Амриева Улжон Қахромон қизи** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Мамадалиева Шахзода Адхамжон қизи** — Каноэ бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Маматханов Мусо Нусратуллаевич** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг паралимпия спорт турларини ривожлантириш департаменти етакчи мутахассиси

**Мамедов Шохруҳ Қўйсин ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Тургунов Хусан Халматович** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг спорт тиббиёти бўлими массажчи-мутахассиси

**Турсунова Нилуфар Миралишеровна** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг халқаро алоқалар ва маркетинг бўлими бошлиғи

**Хасанов Умид Хасанович** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг спорт тиббиёти бўлими бошлиғи

**Эргашева Феруза Бахтиёровна** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2024 йил 11 сентябрь*

*Муносабат*

# ЕРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бундан ташқари фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга ёки ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида бир марталик акция ўтказилди.

Шу билан бирга, яқинда **«Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»**ги қонун ҳам қабул қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай халқпарвар ислоҳотлар натижасида кўплаб фуқаролар ва тадбиркорлар маълум бир даврда ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ер участкаларига мулк ҳуқуқи эътироф этилишига эришди. Афсуски, берилаётган имкониятларга қарамасдан, жамиятда ер участкаларини ноқонуний ўзлаштириш, ер майдонларини қонунга хилоф равишда сотиш, шунингдек, бошқа бир қатор ер билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноий ҳаракатлар содир этилмоқда.

Шу ўринда қайси ҳолатларда ер участкалари ноқонуний эгалланган деб ҳисобланиши ҳамда бунинг учун қандай жавобгарлик белгилангани ҳақида тўхталадиган бўлсак, юқорида қайд этилган қонунга кўра, ортиқча эгалланган ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига шундай таъриф берилган: ***“ортиқча эгалланган ер участкаси — ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкаси майдонидан ортиқ бўлган, ер участкасининг чегарасидан ташқарида, унга туташ ҳудудда жойлашган ер майдони;***

***ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси — фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларсиз, шу жумладан, бундай ҳужжатлар йўқолган ёки тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳолда эгаллаб келинаётган ёки ортиқча эгалланган ер участкаси”.***

> Ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари жамиятимиз ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишдан, ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Маълумки, ер — давлат мулки. Шундай экан, ер участкаларини кўрсатиб ўтилган тарзда ноқонуний равишда эгаллаб олган шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасига мувофиқ ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан, ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга — эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга — уч юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



Шу билан бирга, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан, ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг $229^{1}$-моддасига асосан, жавобгарликка сабаб бўлади. Қонунчиликда суғориладиган ер майдонлари алоҳида муҳофазага эга бўлиб, суғориладиган ерлардан фақат Ер кодексида назарда тутилган мақсадлар учунгина фойдаланиш мумкин. Мазкур тоифадаги ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун Жиноят кодексининг $229^{1}$-моддаси 2-қисмида базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз баравaригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Бундан ташқари Жиноят кодексининг $229^{6}$-моддасида суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга берганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунинг учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Албатта, ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари жамиятимиз ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат. Ўз навбатида, фуқаролар ҳам Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши уларнинг бурчи эканини унутмаслиги лозим.

**С.БЕШИМОВ,**
*Олий суд катта консультанти*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жумладан, унитар корхона ва қўшимча масъулиятли жамият ташкилий-ҳуқуқий шакллари бекор қилинмоқда. Шунингдек, Фуқаролик кодексида корпоратив шартнома, консорциум, консорциум шартномаси каби институтларнинг ҳуқуқий мақомлари белгиланмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, уни тўхтатиб туриш, амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топиш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги ахборотларни оммавий ахборот воситалари ёки ўзининг расмий веб-сайти орқали улар юз берган санадан икки иш куни ичида эълон қилиш тартиблари белгиланмоқда.

Парламент фаолияти

# Қонунчиликдаги янгиликлар

## НАЗОРАТДАГИ ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ТАЪСИРЧАН ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ




Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилишини таъминлаш ҳамда ички ишлар органлари пробация бўлинмалари ходимларининг ваколатларини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни кодекснинг $185^{2}$- ва 187-моддалари бўйича пробация назоратидаги шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомани тузиш ваколати пробация хизматининг катта инспекторига ўтказилмоқда.

## ГАРОВ ХАТИ ОНЛАЙН ТАРТИБДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

Аҳолининг уй-жойларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш зарур. Бунинг учун ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлашда фақат давлат бюджети ёки ташқи қарз маблағларини жалб этмасдан ипотека бозоридаги воситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Одатда, банк ипотека кредитини ажратганидан сўнг ушбу маблағлар қайтарилишини 20 йил кутиши керак. Банклар ажратилган маблағлар айланмасини тезлаштириш учун ушбу кредитларнинг ўзини актив сифатида ишлатади. Бунинг воситаларидан бири гаров хатини расмийлаштириш ҳисобланади.

**“Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида **“Ипотека тўғрисида”**ги қонунга онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказига бориш орқали гаров хатини расмийлаштириш ва гаров хати билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ўзгартишлар киритилмоқда.

**ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

*Жиноят ва жазо*

# БОШИ БЕРК

***Нафс қутқусига учиб, енгил йўл билан мўмай даромад топишга уринганлар аксарият ҳолларда боши берк кўчага кириб қолади…***

Ўтган йилнинг 4 июнь куни ярим тунда Жомбой туманида яшовчи Воҳид Умаровга (исм-шарифлар ўзгартирилди) қўшниси Даврон Маматалимов қўнғироқ қилиб, пойинтар-сойинтар равишда шериги билан маҳалласидаги боққа ўғирликка тушгани, шу боис қоровуллар унга тан жароҳати етказганини билдиради.Сўнгра шеригининг “Дамас” русумли автомашинасини уйининг олдига олиб келиб қўйишни илтимос қилади. Ўзи эса аллақаёққа шошилинч кетаётганини айтади.

В.Умаров унинг илтмосига йўқ дея олмайди ва маҳалладоши Элшод Саидқуловга қўнғироқ қилиб, сайҳонликда қолдирилган машинани олиб келишга ёрдам сўрайди.

Улар айтилган манзилга етиб боришганда, оқ рангли “Дамас-2” русумли автомашина турганини кўришади. Улар автомашина эшигини очгач, ҳайдовчи ўриндиғи қонга ботгани, калит ўт олдириш жойида эканига кўзлари тушади. Олд ўнг ўриндиқнинг пастида қора рангли сумка очиқ ҳолда ётарди.

Шу пайт Д.Маматалимов В.Умаровга яна қўнғироқ қилиб, қон изини ювиб, автомашинани тезроқ уйга олиб боришни, машинадаги телефон аппаратини ариққа ташлаб юборишни тайинлайди.

Бу гапдан шубҳаланган В.Умаров ва Э.Саидқулов автомашинанинг эшикларини қулфлаб, уйларига қайтиб кетишади.

Шу ўринда Даврон Маматалимовнинг шахсига тўхталадиган бўлсак, ўттиз икки ёшли бу кимса илгари фирибгарлик ва баданга қасддан енгил шикаст етказиш жиноятларини содир этиб, икки марта судланган. Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1 йил 10 ойи ҳали ўталмаган. Аслида, бу кимса ўзига нисбатан кўрсатилган бағрикенглик ва мурувватдан хулоса чиқариб, тўғри йўлга тушиб олиши, гулдек оиласи, икки нафар вояга етмаган фарзандини пешона тери эвазига топган ризқ-насиба билан боқишни ҳаёт тарзига айлантириши лозим эди. Аммо у бунинг ўрнига жиноий йўл билан бойлик орттиришдек нопок йўлни танлади.

Ўтган йил май ойининг ўрталарида Қашқадарё вилоятига тарвуз сотиш учун борган Д.Маматалимов қамашилик Улуғбек Нурмаматов билан танишиб қолади. Ўзаро суҳбат давомида У.Нурмаматов Тошкентдан гуруч маҳсулоти олиб келиб, Қашқадарё вилоятида сотиши, шунинг ортидан рўзғор тебратаётганини айтади. Д.Маматалиев тарвуз экиб етиштириши, бошқа пайтларда ҳўл мева савдоси билан шуғулланишини маълум қилади. Шундан сўнг улар ҳамкорлик қилишга келишишади.

Бу пайтда Д.Маматалимов қишлоқдошларидан 29 минг АҚШ доллари миқдорида қарздор эди. Шу боис, айрим қишлоқдошлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишган. Д. Маматалимов икки оёғи бир этикка тиқилгач, қарздан қутулишга чора излашга тушади.

Шунда бехосдан бундан бир неча ой аввал танишган У.Нурмаматов ёдига тушади-ю, ўй-фикри бузилади: “Улуғбек Тошкентдан гуруч олиб келиш учун катта миқдордаги пул билан йўлга чиқади, пичоқ билан қўрқитиб, пулини қўлга киритсам, қарз балосидан қутулардим”...

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантирувчи бизнес муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини янада кўтариш мақсадида зарур шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик фаолиятидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларга ўрнак бўлаётган фаол тадбиркорларни рағбатлантириш бу борадаги асосий вазифалар сирасига киради.

Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратсак, 2019-2023 йиллар давомида иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича ўсиш 6 фоизни ташкил этди. Тадбиркорлик субъектларининг сони 2 карра кўпайди, саноатдаги ўсиш суръатлари 40 фоиздан ошди, қисқа муддатда камбағалликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришилди.

Айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, шунингдек, ушбу соҳага қаратилаётган катта эътибор натижасида кичик корхона ва микрофирмалар сони 417,1 мингтага етди.

Тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 51,2 фоизни, саноатда — 26,1, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида — 94,8, инвестицияда — 51,4, қурилишда — 74,7, хизматларда — 43,4, экспортда 29,0 фоизни ташкил этаётгани ҳам ушбу фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказадиган очиқ мулоқотларда билдириладиган таклифлар асосида тадбиркорликка янада кенг шароит ва енгилликлар яратиш, бу борада муҳим қарорлар қабул қилиш анъанавий тус олди. Бунда ҳар йили 20 августни – Тадбиркорлар куни сифатида нишонлаш белгиланганини муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбиркорлар билан бу йилги очиқ мулоқот Қорақалпоғистонда бўлиб ўтганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Давлатимиз раҳбари ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори иқтисодий соҳада, айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим ижобий натижалар қўлга киритилаётганига эътиборни қаратди. Хусусан, жаҳоннинг илғор мамлакатларида синовдан ўтган янги самарадор воситалар ва усуллар орқали “Инсон манфаатлари – барча нарсадан устун” деган эзгу ғояни ҳаётга жорий этётган бизнес вакилларидан 37 нафари орден ва медаллар, 104 нафари “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганини таъкидланди.



Шарҳ

# ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИШ — БОШ МЕЗОН

Бу, ўз навбатида, тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлашнинг яна бир яққол тасдиғидир. Зеро, бугун тадбиркорлар жамиятимиз барча бўғинларини уйғунлаштирувчи забардаст омилга, Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос драйвери, яъни етакчи кучига айланганини бежиз эмас.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, Президентимиз таъбири билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятлари, аввало, ёшларга хос фазилат ҳисобланади. Демак, тадбиркорликка йўл очиш – ёшларга кенг йўл очиб беришдир.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг куни кеча бўлиб ўтган ялпи йиғилишида **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”**ги қонун бир овоздан маъқуллангани айни муддао бўлди. Чунки барча соҳаларда бўлгани каби тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида бизнес вакиллари учун ҳам алоҳида давлат мукофотларининг таъсис этилиши бу борадаги ислоҳотларнинг жамият тараққиётига билвосита дахлдор муҳим жараён эканлигидан далолат беради.

Мазкур фахрий унвон билан бизнеснинг янги, юқори даромадли йўналишларини йўлга қўйган, соҳага инновацияларни кенг жорий қилиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз тақдрланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, ўз фаолияти давомида давлат органлари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириб, ижтимоий лойиҳалардаги фаоллиги билан бошқаларга намуна бўлаётган, бизнес юритишда катта тажрибага эга, илғор ва ташаббускор тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва таъсисчилари ҳам мазкур фахрий унвон билан тақдирланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор”** фахрий унвонининг таъсис этилиши соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни янада шижоат билан ишлаш ва жаҳон бозорига рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар бренди билан кириб бориши учун рағбатлантиришга қаратилган даъват, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

**Қобил ТУРСУНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари*



Моҳият

# Одил судловга КЎМАКЛАШИШ

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШДАРИДАН БИРИДИР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларига атрофлича тўхталганди. Жумладан, судда ишларни кўришда қатнашадиган прокурорлар корпусини шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратганди.



Шу асосда **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун ишлаб чиқилди. Унда суд ишларини юритишда тарафларнинг тортишуви принципи ҳамда давлат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида судлар томонидан фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни кўришда прокурорнинг иштироки, шунингдек, ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишга тааллуқли процессуал нормаларни янада аниқлаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Қонун Олий Мажлис Сенатининг эллик олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди. Бу ҳужжат орқали Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслар, шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

***Биринчидан,*** прокурор давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ва иқтисодий судлардаги:

– ерга оид ҳуқуқий муносабатлар;

– давлат мулки;

– давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш;

– давлат бюджетидан ундирувлар;

– ўзбошимчалик билан қурилган иморатга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш;

– хусусий мулк сифатида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш;

– божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда.

***Иккинчидан,*** эндиликда прокурор фуқаролик ишлари бўйича судларга давлат манфаатларини ҳимоя қилишга алоқадор масалалар юзасидан ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

***Учинчидан,*** прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича прокурор суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор этилмаган бўлса, прокурор ушбу ишларни суддан талаб қилиб олиб ўрганиши ҳамда улар бўйича протест келтириши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Ушбу қонунни ишлаб чиқишда Россия, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа қатор давлатларнинг тажрибалари ўрганилган. Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши прокуратура органларининг одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада кучайтиради. Шу билан бирга, янги қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга, судларда ишларни муҳокама қилишда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,**
*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари*

Қонун кўмаги

# Ютуқ ва ҳамкорлик гарови

## *ёхуд шартномавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Афсуски, ҳаётда баъзан ижро этувчи томонидан шартнома мажбуриятлари талаб даражада бажарилмай қолган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунинг натижасида тарафларнинг ўзаро муносабатларига путур етади, ишонч йўқолади ва низо пайдо бўлади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Иқтисодий процессуал кодекс талабига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, «Ҳ.М» масъулияти чекланган жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Х.С» масъулияти чекланган жамиятидан 36.000.000 сўм асосий қарз, 9.432.000 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 2023 йил 15 май куни 149.968.000 сўмлик 09/01-сонли шартнома имзоланган.

Даъвогар томонидан шартномавий мажбуриятларни бажариш мақсадида 2023 йил 23 октябрда 23/10-сонли ҳисоб-фактурага асосан, жами 36.000.115 сўмлик маҳсулот етказиб берилган, аммо жавобгар ушбу маҳсулотлар ҳақини тўламаган.

Ваҳоланки, шартноманинг 2.1-бандига кўра, “маҳсулот етказиб берувчи” маҳсулотларни “сотиб олувчи”га етказиб бериш, 3.2-бандига кўра, “сотиб олувчи” маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

Бунинг устига даъвогарнинг қарзни тўлаб бериш юзасидан талаблари жавобгар томонидан эътиборсиз қолдирилган. Натижада даъвогар даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Судда даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Жавобгар шартномавий мажбуриятини ўз вақтида бажармагани натижасида даъвогар фойдасига асосий қарздан ташқари пеня ҳамда ишни судда кўриш билан боғлиқ харажатлар ҳам ундириладиган бўлди.

Ачинарли жиҳати шундаки, тарафлар ўртасидаги доимий ҳамкорликка путур етди, ўзаро ишонч йўқолди. Зеро, Фуқаролик кодексининг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши, фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига ҳам қатъий риоя этишлари зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қонун талаблари асосида тузилган шартнома бўйича олинган мажбурият тўла-тўкис бажарилиши лозим. Мажбуриятнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли равишда адо этилиши ўзаро ишончни мустаҳкамлаш билан бирга, томонларнинг фаолияти янада жадал ривожланиши ва тобора кенгайишида муҳим омил бўлади.

**Шерзод ҒОФУРОВ,**
*Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси*

# КЎЧА ёки гумроҳлик фожиаси

Д.Маматалимов ана шу ғаразли ниятини амалга ошириш учун У.Нурмаматовга қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳрига гуруч олиб келиш учун қачон боришини сўрайди. У.Нурмаматов 4 июнь куни йўлга чиқишини айтгач, ўзини ҳам бирга олиб кетишини илтимос қилади.

2023 йил 4 июнь куни У.Нурмаматов йўлга чиқаётгани ҳақида хабар беради. Улар кечаси Самарқанд тумани ҳудудидаги нон растаси олдида учрашишга келишишади.

Д.Маматалимов жиноий ниятини амалга ошириш учун уйдан ошхона пичоғини олиб чиқади. Булунғур тумани ҳудудида автомашинанинг мотор қисмида носозлик юзага келиб,



У.Нурмаматов уни йўл четига тўхтатади. Шунда Д.Маматалимов чўнтагидан пичоқни чиқариб, У.Нурмаматовга ўқталади. Бундай кутилмаган таҳдиддан Улуғбек сергак тортиб, унинг пичоқ ушлаган қўлини маҳкам ушлаб олади. Аммо пичоқнинг ўткир тиғи қўлини кесиб кетади. Оғриққа чидаёлмай пичоқни қўйиб юборгач, Д.Маматалиев уни жабрланувчи танасининг дуч келган жойига кетма-кет санчий бошлайди.

Бирпасда қонга бўялган У.Нурматов автомашинадан тушиб, йўлнинг қарама-қарши томонига қоча бошлайди, одамларни ёрдамга чақиради. Ваҳшийлашган Д.Маматалимов унинг ортидан етиб олиб, бўйин соҳасига яна икки марта пичоқ уради.

Ниҳоят, нотаниш ҳайдовчилар автомашиналарини тўхтатиб, уларнинг олдига яқинлаша бошлагач, Д.Маматалимов У.Нурмаматовнинг автомашинасига ўтирганича воқеа жойидан қочиб кетади.

Ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳати олган У.Нурмаматов беҳуш ҳолда шифохонага олиб борилади ва шифокорлар ёрдамида ҳаёти сақлаб қолинади.

Д.Маматалимов У.Нурмаматовнинг автомашинасини босқинчилик йўли билан олиб қочиб, қора рангли сумкадаги 62 миллион сўмни қўлга киритади. Сўнгра жазодан қутулиб қолиш мақсадида Фарғона вилоятига йўл олади. Аммо тез орада қўлга олинади.

Суд Д.Маматалимовни Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми “г” банди ва 267-моддаси 3-қисмининг “в” бандларидаги жиноятни содир этганликда айбдор деб топди ва унга нисбатан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бу дунёда ҳар қандай муаммонинг ечими бор. Фақат ақл-идрок билан иш тутиш, бир ишни бошлашдан олдин оқибатини кўра олиш лозим. Борди-ю, боши берк кўчага кириб қолганда ҳам жиноят содир этиш йўли билан ундан чиқиб кетишга уриниш калтабинликдан бошқа нарса эмас. Шу маънода баён этилган воқеа тафсилотлари бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**Абдусаттор АБДУРАЗЗОҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жомбой тумани суди раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*“Куч - адолатда”мухбири*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Яширин цехдаги ҚОТИЛЛИК

***Аввалига ҳаммаси оддий, одатдаги ҳолда кечган эди: Янги Наманган тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори А.Камолов 2023 йил 6 июль куни топшириққа биноан тунги хизматга жалб этилади. Шу боис, у ўзи билан бирга хизмат ўташи белгиланган профилактика инспектори М.Исмоилов билан учрашиш учун "Келажак тонги" маҳалласи идорасига келади. Ҳамкасбини кутиб турган пайтда эса ёнига “Дамас” русумли автомашина келиб тўхтайди.***

— Машина бозори яқинида уч-тўртта барзанги йигитлар ғала-ғовур қилиб туришибди. Негадир улар менга шубҳали туюлди. Балки бир текшириб кўрарсизлар?!, — дейди нотаниш ҳайдовчи.

— Раҳмат, ака. Албатта, ўрганамиз. Сиз бораверинг, — дейди инспектор.

“Дамас” машинаси жўнаб кетгач, профилактика инспектори М.Исмоиловга қўнғироқ қилиб, ҳайдовчи айтган манзилга етиб келишини тайинлайди. Шу билан бирга, ўзи ҳам ўша томонга йўл олади.

Чиндан ҳам, тилга олинган манзилда, “Жентра” русумли автомашинаси тўхтаб турар, ёнида 3-4 нафар нотаниш йигитлар алланималарни муҳокама қилишаётганди. Ҳамкасби етиб келгач, иковлашиб нотаниш фуқароларга ўзларини таништиришади. Ўз навбатида, ўша йигитлардан бири ҳам ўзининг ички ишлар бўлими ходими эканлигини айтади.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Маълумки, ҳаётимиздаги энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликларимиздан бири меҳнат муносабатлари билан боғлиқ. Бинобарин, меҳнат ҳуқуқига оид масалалар ҳеч кимни беэътибор қолдирмайди. Иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиби ҳам шулар жумласидандир.*

*Ҳуқуқий маърифат*



# ИШ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ

## У ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Амалдаги Меҳнат кодексининг 269-моддасига биноан, ходимнинг ёзма розилиги билан иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин. Шунингдек, ходимнинг ёзма розилигидан қатъи назар, иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин бўлган ҳолатлар ҳам бор. Хусусан, солиқлар ва йиғимларни ундириш, қонунда белгиланган тартибда суд қарорлари ҳамда бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш, қолаверса, ваколатли органларнинг қонуний талабларини бажариш учун иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Бундан ташқари иш ҳақи ҳисобига берилган бўнакни ушлаб қолиш, бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтиши муносабати билан хўжалик эҳтиёжлари, хизмат сафарларига берилган, сарфланмаган ва ўз вақтида қайтарилмаган бўнакни ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган маблағни қайтариб олиш учун иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Бундай ҳолларда иш берувчи бўнакни қайтариш, қарздорликни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёки тўлов нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ушлаб қолиш ҳақида буйруқ чиқаришга ҳақли. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим бўнакни тўлаш учун ушлаб қолиш асосларига ёхуд миқдорига эътироз билдираётган бўлса, қарзни тўлаш суд тартибида амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг 269-моддасига кўра, ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаса, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жаримани ундириш, ходим қайси иш йили ҳисобига таътил олган бўлса, ўша йил тугагунига қадар меҳнат шартномаси бекор қилинганда таътилнинг ишлаб берилмаган кунлари учун ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам иш ҳақидан ушлаб қолиниши белгиланган.

Башарти, ишга қабул қилишга доир белгиланган қоидаларнинг бузилиши ёхуд якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатнинг давом этишига монелик қилувчи ҳолатларнинг юзага келиши ходимнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ бўлмаса, меҳнат шартномаси ишга қабул қилишга доир қоидалар бартараф этиш имкони бўлмаган ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қиладиган ҳолда бузилса ҳам, иш ҳақидан ушлаб қолиш амалга оширилмайди.

Ходимга ортиқча тўланган иш ҳақи (шу жумладан, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар нотўғри қўлланилганда) ундан ундирилиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳисоблашдаги хатолик, агар якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи орган томонидан ходимнинг меҳнат нормаларини бажармаганликдаги айби эътироф этилган ёки ходимнинг суд томонидан белгиланган ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) сабабли ходимга ортиқча иш ҳақи тўланганлик ҳолатлари бундан мустасно. Солиқ кодексига мувофиқ, солиқ солинмайдиган тўловлардан ушлаб қолишлар амалга оширилиши мумкин эмас.

Меҳнат кодексининг 270-моддасида ҳар бир тўлов чоғида иш ҳақидан ушлаб қолинган маблағларнинг умумий суммаси ходимга ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақининг эллик фоизидан ошиши мумкин эмас. Мазкур модданинг биринчи қисмида белгиланган чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни, шунингдек, ахлоқ тузатиш ишлари тарзида жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақини ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жазодан ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликдан ушлаб қолиш миқдори ходимга ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақининг етмиш фоизидан ошмаслиги шарт.

Ходимнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи ёки унинг муайян қисми ходимнинг ёзма аризасида кўрсатилган миқдорларда ва муддатларда кредиторларга банк муассасаларидан олинган ссудалар, кредитлар, коммунал тўловлар ва бошқа харажатларни тўлаш учун юборилиши мумкин.

Кўриниб турганидек, қонунчиликда иш ҳақидан ушлаб қолишнинг ҳуқуқий тартиблари аниқ белгиланган. Шу боис уларга қатъий амал қилиш зарур.

**Фазлиддин АЛЛАЁРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди судьяси*

---

Қизиқарли ФАКТЛАР

***Инсониятнинг фаровон ҳаёт кечириши она табиатга бевосита боғлиқ. Хусусан, табиий бойликлар, шифобахш гиёҳлар, фойдали жонзотлар инсон бахтиёр яшаши учун ўта муҳим ўрин тутади. Қуйида шулардан бири ҳақида сўз юритамиз.***



# АСАЛАРИ МЎЪЖИЗАСИ

Маълумотларга кўра, 2006 йилдан бошлаб сайёрамизда асаларилар сони кескин камайган. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат жуда ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хўш, олимлар асаларининг қирилиб кетишидан нега бунчалик хавотирда?

Аввало, асаларининг табиатдаги энг муҳим вазифаси – гулли ўсимликларни чанглатиш. Улар ўз эҳтиёжлари учун гулчанг ва нектар йиғиб, барча ўсимликларнинг 85 фоизгача чангланишига билвосита ёрдам беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, жаҳонда етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми бевосита асалариларга боғлиқ. Дарҳақиқат, асаларилар минг йиллар давомида инсоният учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу боис барча муқаддас китобларда асаларилар мўъжизавий жонзот сифатида эътироф этилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, асаларилар қачон қўлга ўргатилгани ҳали-ҳануз фанга номаълум. Испаниядаги Аран тоғидан топилган археологик манбалар асалариларнинг милоддан аввалги 10-5 минг йилликларда ҳам мавжуд бўлганини тасдиқлайди. Қадимги Миср эҳромлари деворлари ва Ҳиндистондаги маъбадларнинг тошга ўйилган суратлари ёнида чизилган асалари тасвирлари ҳам бу жонзотларнинг узоқ тарихга эга эканидан далолат беради.

Асалари "фан учун улкан сир" деб ҳам таърифланади. Чунки фақат асаларигина асрлар давомида умуман ўзгармаган жонзот ҳисобланади. Ҳолбуки, ўтган давр давомида дунёдаги деярли барча мавжудотлар маълум даражада ўзгаргани – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Бугунги кунда дунёда йигирма мингга яқин ари турлари мавжуд бўлиб, асалари ҳар қандай жонзотни фақат бир марта чаққандан сўнг ҳалок бўлади. Бундан ташқари асалари инсон истеъмол қиладиган маҳсулот тайёрловчи ягона жонзот туридир.

Асалариларнинг яшаш тарзи ҳам жуда ғаройиб. Битта уяда 80 минг бошгача асалари яшаши мумкин. Унда ягона қиролича, юзлаб ишламайдиган назоратчи эркак асаларилар ва ўн минглаб ишчи асаларилар бўлади. Уяга душманлар бостириб кирмаслиги учун ишчилар бўлимида қўриқчи соқчилар доимо шай туришади. Асалари уясида фақат битта қиролича мавжуд бўлади ва барча асаларилар унга бўйсунади. Одатда, қиролича 3-5 йил умр кўради. Унинг асосий вазифаси тухум қўйишдан иборат. Уяда ундан бошқа қиролича асалари пайдо бўлса ва уяни бошқаришга ҳаракат қилса, у асаларилар томонидан ўлдирилади. Қироличани асаларилар ҳидидан танийди. Агар қиролича тўсатдан ўлиб қолса, унинг нобуд бўлганини 15-20 дақиқа ичида ҳидидан сезишади ва зудлик билан янги қиролича тайинлаб олишади.

Асалариларнинг айнан битта қиролича бўйсуниши ва янги қироличанинг барча асаларилар томонидан якдиллика тайинланиши сабаби фан учун жумбоқлигича қолмоқда. Шу боис асаларилар онглилик даражаси бўйича дунёдаги барча мавжудотлар ичида иккинчи ўринда туради. Ҳар бир асалари жамоасида фақат шу жамоа асаларилариа хос ифор мавжуд бўлиб, жамоа аъзолари бир-бирини шу ҳид орқали таниб олишади. Асаларилар бир-бирига қаерда гуллар борлигини рақс тушиш орқали тушунтиради. Улар гулзорларни аниқлаганда инига қайтиб, ўзининг муайян рамзли ҳаракатлари билан гулзор айнан қаерда, қанча узоқликда эканини маълум қилади. Бундай ҳаракатлар фанда "асалари рақси" деб аталади. Ажабланарлиси шундаки, ишчи асалари қанчалик узоқ масофага учмасин, у ҳар доим ўз уясига қайтиш йўлини топа олади.

Асал ўзининг таъми, ҳиди, ранги жиҳатдан, шунингдек, қайси фаслда, қандай ўсимлик гулидан йиғилгани ва жуғрофий жойига қараб фарқланади. Энг яхши асал турли доривор гиёҳлардан йиғилган тоғ асали саналади. Асалнинг бир килограммида ўртача 3200 калория энергия мавжуд. Шу боисдан ҳам, асалдан тиббиётда қадим-қадимдан энг ишончли ва самарали дори-дармон сифатида фойдаланиб келинган. Бугунги кунда асалдан фармацевтика саноатида турли дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. XX асрдан бошлаб тиббиётда асал билан даволаш усуллари – апитерапия шакли кенг ривожланди.

Бундан ташқари тиббиётда нафақат асалнинг ўзи, балки асаларининг заҳри ҳам кенг қўлланилиб, бўғим ва бод касалликларини даволашда фойдаланилади. 2013 йилда америкалик олимлар ари заҳри таркибида одам иммунитет танқислиги вируси ҳужайраларини йўқ қилишга қодир модда борлигини аниқлашди.

Тадқиқотларга кўра, асал яшаш учун зарур бўлган барча моддаларни ўзида мужассам этган ягона табиий маҳсулотдир. Энг қизиғи, асал асло айнимайди. Миср эҳромлари ёнидан топилган хумдаги асал орадан 3300 йил ўтган бўлса-да, хушбўйлиги ва ширин мазасини йўқотмагани буни ёрқин исботидир.

БМТ маълумотига кўра, айни пайтда дунё бўйича, тахминан, 50 миллионтага яқин асалари уяси мавжуд. Айни пайтда асаларидан нафақат асал олиш, балки экинларни чанглатиш, бошқа хўжаликларга тарқатиш учун энг яхши зотларни етиштириш мақсадида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

***Интернет материаллари асосида***
***Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.***

---

*Жиноятга жазо муқаррар*



# Яширин цехдаги ҚОТИЛЛИК

◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

Шундан сўнг хизмат юзасидан автомашинани кўздан кечиришади. Натижада автомашина юкхонасининг захира балони турадиган жойидан бири 60 сантиметр, иккинчиси 1 метрдан узунроқ ўлчамдаги ёғоч бута топилади. А.Камолов бу хусусда сўраганида ўзини ички ишлар бўлими ходими сифатида таништирган фуқаро ёғоч буталарни хизмат юзасидан олиб юришини маълум қилади. Бинобарин, профилактика инспектори унинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини ёзиб олади. Орадан салкам 3 ҳафта ўтгач эса, айнан ўша кимсалар томонидан босқинчилик ва қотиллик жинояти содир этилади.

* * *

Наманган шаҳрида яшовчи Абдулла Муҳиддинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2021 йил ёз ойларида Поп туманининг Резаксой қишлоғига дам олиш учун келади. Шу ерда у Жасур Шерматов билан танишиб қолади. Ўзаро суҳбат асносида Жасур меҳмонга қум аралашмасидан кумуш ажратиб олиш мумкинлигини айтади. Бу фикр эса, А.Муҳиддиновни жуда қизиқтириб қўяди. Бинобарин, у шаҳарга қайтгач, заргар қариндоши Икром Юсуповга маслаҳат солади.

— Ўша қум аралашмасини кўриш керак. Шунда аниқ фикр айта оламан, — дейди заргар.

Шундан сўнг Абдулла Муҳиддинов И.Юсупова Поп туманидан 1 та қопда қум аралашмасини келтириб беради. Қум таркибини текшириб кўрган заргар ундан фойдаланиш мумкинлигини айтади.

Бу фикрни эшитган А.Муҳиддинов таниши Қ.Солиевнинг нотурар жойини ижарага олиб, яширин равишда кумуш ишлаб чиқаришни бошлаб юборади. Ж.Шерматовнинг поччаси Нодир Каримов нақ икки йил мобайнида, яъни ўша пайтдан 2023 йил ёз ойларигача Поп туманининг Қўшминор маҳалласи ҳудудидаги ташландиқ кондан Наманган шаҳрига бир-икки қопдан қум аралашмасини етказиб бериб турди. А.Муҳиддинов ҳар бир қоп қумни 3-3,5 миллион сўмга сотиб олади. Аммо шаҳарлик "тадбиркор" ишлаб чиқариш цехини ошкор қилмаслик мақсадида Н.Каримовга манзилни кўрсатмаган. 2023 йилнинг ёз фаслига келиб, Н.Каримов катта даромад келтираётган яширин цеҳ жойлашган манзилни билиб қолган. Оқибатда яширин цеҳ раҳбари бир ҳийла ўйлаб топади.

Гап шундаки, у Нодирга охирги келтирган қопларидаги қум таркибидан кумуш моддаси чиқмаганини айтади. Буни эшитиб, қум таъминотчиси тарвузи қўлтиғидан тушиб, ортига қайтади. Бироқ унинг миясида кумуш маҳсулотини қўлга киритиш режаси пайдо бўлади.

Дастлаб Н.Каримов қайноғаси Ж.Шерматов, танишлари Мақсуд Аҳмедов, Асқар Раҳмонов, Муҳриддин Нажмиддинов, Оғабек Ирисбоев ва Озод Эминовлар билан пухта режа тузади. Сўнгра атрофидаги вазиятни ўрганиш мақсадида Жасур, Мақсуд ва Асқар билан бирга яширин цех жойлашган Янги Наманган туманининг Шербулоқ маҳалласига боради. Яширин цех яқинида ўралашиб юришганда эса, юқорида тилга олганимиздек, профилактика инспекторларига дуч келишади. Бинобарин, ҳеч нарса билмагандек изларига қайтишади.

Шу тарика нақ 15-16 кун мобайнида жиноий режа "пишитилади". 2023 йил 23 июль куни шом маҳали – соат 19:30 ларда жиноий гуруҳ аъзолари "Ангрен-Поп" темир йўлининг "Қўшминор" вокзали ёнида учрашишади. Яна бир карра вазифалар тақсимлаб олингач, Наманган шаҳри томон йўлга чиқишади. Тунги соат 00:30 ларда Нозимжон бошқарувидаги "Ласетти" русумли автомашинада Тўрақўрғон туманининг Еттикон маҳалласига етиб келишади.

Жиноий гуруҳ ўша ерда фуқаро А.Нуритдиновнинг кўчада қаровсиз қолдирилган "Ласетти" русумли автомашинанинг давлат рақамини ечиб олиб, ўзларининг автомашинасига ўрнатишади.

Бундан ташқари жиноий гуруҳ соат тунги 00:50 ларда Янги Наманган туманининг Мингтерак маҳалласида яшовчи М.Мирзаевга тегишли "Нексия-2" автоуловининг давлат рақамини ҳам ечиб олиб кетишади.

Хуллас, жиноий гуруҳ белгиланган манзилга тунги соат 02:00 ларда етиб келади. Сўнг Нодир, Асқар, Жасур, Мақсуд ва Муҳриддин яширин цех яқинида ниқоб ва қўлқопларни кийиб, ёғоч таёқ билан қуролланиб олишади. Бу пайтда цеҳда Нодир, Маъруф, Ҳожиакбар ва Абдулазиз исмли ишчилар ишлашаётганди. Шунда жиноий гуруҳ аъзолари девор ошиб ичкарига кириб, ишчиларга тўсатдан ҳужум қилишади. Яъни уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, таёқлар билан уриб-дўппослашади. Лекин Нодир ва Ҳожиакбар уларга қаршилик кўрсатиб, қочиб кетишади. Мақсуд, Асқар ва Муҳриддин Абдулазиз Жалоловни ерга йиқитиб, калтаклашади, тан жароҳати етказишади.

Шундан сўнг Мақсуд Аҳмедов яширин цехидаги хоналарга кириб, қиймати 740.000 сўм бўлган "Dahua" русумли, қиймати 570.000 сўм бўлган "NVR" русумли видеокузатув камераси хотирасини ("DVR" винти), Асқар Раҳмонов эса Маъруф Тўхтабаевга тегишли қиймати 3.050.000 сўмлик "Xiaomi 12 Lifte" русумли, Ҳожиакбар Нажмиддиновнинг баҳоси 2.680.000 сўмлик "Iphone XS" русумли уяли телефонини, Нодир, Жасур ва Муҳриддинлар эса, учта идишда ярим тайёр ҳолатдаги қимматбаҳо кумуш маҳсулотини босқинчилик йўли билан эгаллашади.

Худди шу маҳал кутилмаган қабиҳлик юз беради. Яъни Асқар Раҳмонов яширин цех ишчиси Маъруф Тўхтабоевнинг орқасидан қувиб бориб, қўлидаги таёқ билан унинг бошига зарба беради. Оқибатда М.Тўхтабоев ерга йиқилиб, ҳушини йўқотади. Энг ачинарлиси, кўз очиб, юмгунча фурсат ичида М.Тўхтабоев ҳодиса жойида вафот этади. Бундан қўрқиб кетган жиноятчилар эса дарҳол қочиб қолишади.

Аммо тез орада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Мазкур ишни жиноят ишлари бўйича Поп тумани судида кўриб чиқиш чоғида, судланувчиларнинг қилмишлари рад этиб бўлмас далиллар билан ўз исботини топди. Бинобарин, суд уларни Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, одам боласи ҳаддан ташқари молу дунё ва мўмай даромад топишга муккасидан кетмай борига — топганига, ато қилганига қаноат қилса, турмуши файзли, ҳаёти тинч ва осойишта кечади. Қинғир ишнинг қийғи эса, қирқ йилдан кейин бўлса ҳам, албатта, чиқади — юзшувут қилади.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Жасур ҚУРБОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Поп тумани суди раиси*

---

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:* Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3600
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22:00. Топширилди: 23:30.